*Муносабат: «Устивор йўналишлар»*

# ФЕДЕРАЦИЯ ЙЎЛ БОШЛАСА...

***Ангрендаги Резинатехника ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганимизда корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Қосимхон НОСИРОВ билан суҳбатимиз илк дақиқаларданоқ қизғин тус олди.***

- Яқинда газетангизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати **Дилбар Жаҳонгирова**нинг «Устивор йўналишлар» мақоласи эълон қилинди,- дейди у. - Унда касаба уюшмаларининг янгича шароитлардаги вазифалари, таркибий тузилмалари йўналиши, ижтимоий ҳимоя услублари, ижтимоий шерикчилик, шартнома ва келишувлар, бозорнинг уч субъекти, тарбиявий, маърифий ишлар каби қатор муҳим масалаларга тўхталиб, таҳлил қилинган. Айни пайтда мақолада олдимизда турган пурвиқор вазифалар очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, маъқолада таъкидланганидек маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланиш алоҳида бир ташкилот ёки маълум касб доирасидаги шахслар иши бўлибгина қолмай, балки жамиятимиз ҳар бир аъзосининг иши бўлиб, бу ўринда касаба уюшмаларининг роли айниқса аҳамиятлидир.

Корхона ҳузурида «Кимёгар» маданият клуби бор. Маблағ масаласи оғир бўлганлиги сабабли бу ерда ярим маош олиб 3-4 киши ишлайди, кўп ишлар асосан жамоатчилик асосида олиб борилади. Янги йил, Наврўз, Болаларни ҳимоя қилиш, Мустақиллик, Конституция кунлари ва бошқа байрамларда маданият уйи ниҳоятда гавжум бўлади. Концертлар, турли томошалар уюштирилади, Юбилярларни тақдирлаш маросимлари ўтказилади. Клуб ишчи-хизматчиларнинг маънавий-маърифий марказига айланган. Бу ерда учрашувлар ўтказиш яхши анъаналар тусига кирган. Учрашувларга шаҳарнинг машҳур кишилари, корхонада ишловчи ҳаётда, ишлаб чиқаришда ном қозонган ишчи-хизматчилар таклиф этилади. Масалан, яқинда 1- ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Илҳом Мустафин билан ўтказилган учрашув ниҳоятда қизиқарли ўтди.

Илҳом **Мустафин** мусиқа билим юртини тугатган. Ёқимли овозга эга. Ўзи бир неча хил мусиқа асбобини маҳорат билан чалади. Ажойиб спортчи. Спорт устаси унвонига эга. Кўп китоб ўқийди, мутола қилади, ўз устида ишлайди. Яхши раҳбар ва ҳавас қилгудек оиланинг бошлиғи.

Илҳом ижро этган куй ва қўшиқлари билан йиғилганлар дилларини хушнуд этди, шахсий ҳаёти, ижодий ишлари, ишлаб чиқариш масалалари, истиқбол режалари ҳақида сўзлаб берди. Унинг ҳаётига ҳавас билан қаровчи ёшлардан кўплаб саволлар тушди. Айниқса шунга ўхшаш ишларни қилишга қандай улгуриши, инсон иродаси ва қатъияти, ҳаётга муносабати юзасидан берилган саволларга мазмунан бой жавоблари кўпчиликка катта маънавий озуқа берди.

Ҳаётгул **Отақўзиева** - 5 цех елимловчиси. Ишининг сир-асрорларини чуқур эгаллаган. Илғор ва интизомли кўп шогирдлар орттирган инсонийлик фазилатлари билан обрў-эътибор қозонган. Халқ оғзаки ижодиёти бўйича антиқа ашулалар ижро этади. У билан бўлган учрашув ҳам жуда мазмунли ўтди.

Умуман, корхонада бундай учрашувлар хилма-хил маънавий тадбирларнинг биридир. Бу ерда турли конкурслар, кўрик-кўргазмалар ўтказиб турилади. Жуда қизиқарли усуллар танланади. Яқинда пазандалар конкурси ўтказилди. Унда катталар билан бирга ёшлар ҳам жуда фаол иштирок этдилар. Конкурс жамоа шаклида ташкил этилди. Унда етти кишидан иборат техника назорати бўлими ғолиб келди ва уларга корхонанинг санаторий-профилакторийсига бепул йўлланма берилди. Одатда бундай тадбирлар ниҳоясида бадиий ҳаваскорлар ижросида томошалар, концертлар қўйиб берилади.

Дарвоқе, клуб ҳаётида яқинда яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Жамоатчилик асосида аския тўгараги ташкил этилди. Тўгарак аъзолари жуда қисқа муддатда ўз фаолиятини қизғин бошлаб юбордилар. 1 апрелда «Келинг бир кулишайлик» тадбирини ўтказдилар. Дастлабки даврданоқ тўгарак фаолияти ёрқин кўринди, ичакузди латифа ва воқеаларга шунча бой бўлдики, томошабинлар уларни севиб қолишди. Ижрочилар эса бегона эмас, шу корхона жамоаси аъзолари эди. Улар энди ўтказилаётган кўпгина тадбирларнинг азиз ва суюкли меҳмонлари бўлиб қолганлар.

Корхона касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан театр жамоаси ҳам тузилган. Жамоа шаҳар ҳокимиятга шаҳарда ҳаваскорлар театрини ташкил қилиш юзасидан таклиф билан чиқди. Ангренликларга ота-она ҳурмати мавзуида ажойиб бир театрни саҳналаштириб кўрсатишди. Театр томошабинларда чуқур таассурот қолдирди. Бутун шаҳарда гапсўз бўлиб кетди. Шаҳар жамоатчилиги уларнинг бу хайрли ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Ҳаракатлар бор. Ажаб эмаски яқинда шаҳарда резинатехника ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида ҳаваскорлар театри очилса.

Маънавий ва жисмоний камолотгина инсоннинг инсонийлигини намоён этади. Ана шу яхши мақсад йўлида жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Корхона ҳузурида спорт мажмуи бор. Ўн минг ўринли стадион, усти берк чўмилиш ҳовузи, спорт майдончалари мавжуд. Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки йилларида моддий қийин шароит туфайли спорт мажмуи бироз қаровсиз қолган эди. 1994 йил жамоа стадионни тартибга келтира бошлади, умуман спорт ишларини қайта тиклади. Ҳозирда қатор спорт тўгараклари ишламоқда, мусобақалар ўтказилаяпти. Футбол, волейбол, теннис, сузиш каби спортнинг турлари бўйича мусобақалар ўтказиб борилмоқда. Цехлараро ғолиблик учун турли спорт-жисмоний тарбия тадбирлари уюштириб турилмоқда. Май ойида «Биз - спортчилар оиласи» мусобақаси режалаштирилган.

- Спорт - соғломлаштириш ишларини янада яхшилаш юзасидан республика касаба уюшмалари Федерациясининг ёрдамига муҳтожмиз,- дейди Қосимхон Носиров,-дўконлардан пул ўтказиш йўли билан ҳатто футбол, волейбол, баскетбол тўплари, спорт кийимлари ва анжомларини ололмаймиз. Бундай дўконлар на Ангренда ва на Тошкентда бор. Лекин нақд пулга бозорларда сероб. Банк эса нақд пул бермайди. Ҳисобимизда пулимиз йўқ эмас, бор. Республика касаба уюшмалари Федерацияси пул ўтказиш йўли билан спорт анжомларини сотиб олинадиган дўконлар ишини ташкил этишга ёрдам берса айни муддао бўлур эди.

Корхона 100 ўринли ўз санаторий-профилакторийсига эга. У ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнгинасида бўлиб 50 гектарлик боғ ичига жойлашган. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Хоналар асосан икки кишилик. Даволаш учун деярлик барча муолажалар бор. Чўмилиш ҳовузигача мавжуд. Даво хилларини кўпайтириш мақсадида борган сари қўшимча шароитлар яратиб берилмоқда. Шу кунларда балчиқ билан даволаш бўлинмаси ишлари ниҳоясига етмоқда.

Ишчи-хизматчилар ёз ойларида фарзандлари билан бирга дам олиб даволанишлари мумкин. 1998 йил - оила йилида бу анъана давом эттирилиб шарт-шароитларни янада кенгайтириш ва қулайликлар яратиш кўзда тутилмоқда.

Будир ПЎЛАТОВ.

*Иқтисодиёт чорраҳаларида*



# «НОНДЕК АЗИЗ БЎЛИНГ!»

Азал-азалдан ҳаётий неъмат - нон ва нон маҳсулотлари етиштирувчилар эл-юрт ардоғида бўлишган. Бўрсилдоқ нонларни тановул қилганлар унинг ижодкорларига: «Нондек азиз бўлинг, азизлар!» дея дуо қилишган.

Қорақалпоғистонда ҳам касбидан камол топаётган шундай жамоалар жуда кўп. Улар сафидан «Нукус - нон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳақли равишда мустаҳкам ўрин олди. Корхона асосан Нукус шаҳри, Қоратоғ қўрғони, шунингдек энергетиклар шаҳри - Тахиатош аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларини тўла қондирмоқда. Ҳиссадорлар амалдаги йилнинг ўтган тўрт ойини ҳам жуда юқори кўрсаткичлар билан якунлашди. Умуман «Нукус-нон» кейинги беш йилда режаларни ортиғи билан уддаламоқда. Жумладан, ўтган йили босиб ўтилган йўлга бир назар ташласак, ютуқлар салмоғи яққол кўзга ташланади. Истеъмолчиларга 12,5 минг тоннадан ортиқроқ сифатли нон ва нон маҳсулотлари 1.234 тонна макарон етказиб берилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилиб, тайёр товарлар турини кўпайтиришга ҳам бу ерда катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили 900 дека литр алкоголсиз салқин ичимликлар ишлаб чиқарилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш - кўпроқ фойда олиш, ишловчилар талаб ва эҳтиёжларини иложи борича қондириш, уларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш имконини бермоқда. Ишлаб чиқариш тизими рентабеллигининг кескин ортиши боис ўтган йили маҳсулот тайёрлашдан 1996 йилдаги 8,4 миллион ўрнига 48,8 миллион сўмлик фойда олинди. Умуман фақат ўтган йилнинг ўзида салкам 310 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Агар ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик иш ҳақи 1996 йили 1 883 сўмга тенг келган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили салкам тўрт ярим минг сўмни ташкил этди. Бу ва бошқа юксак кўрсаткичлар акциялар учун 5,3 миллион сўм ажратиш имконини туғдирди. Ҳар бир акциядор қўлидаги акциялари учун 670 сўмдан дивидент олди.

Корхонада ҳозирги эришилган натижалар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмаслигини жуда яхши тушинишади. Шунинг учун ҳам маҳсулот сифатини тобора яхшилаш, товарларнинг турларини кўпайтириш устида тинимсиз иш олиб борилади. Олинган фойда асосан ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этишга сарфланади. Шунинг натижаси ўлароқ янгидан иккита технологик линиялар ишга туширилиб, нон ёпишни ўтган йилга нисбатан 6 минг тоннадан ҳам кўпроққа етказиш имкони яратилди.

Яқинда ҳиссадорлар жамияти бошқаруви Италиянинг «Брайбанти-Гольфетто» фирмаси билан суткасига 18 тонна макарон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линияни ишга тушириш юзасидан шартнома тузди.

Шунингдек, «Фудмаш лизинг» қўшма корхонаси билан печенье ишлаб чиқазувчи линияни сотиб олиш масаласи ҳал қилинди.

Шу кеча-кундузда турдош корхоналар орасида пешқадамликни қўлдан бермай келаётган «Нукус-нон» ҳиссадорлик жамиятининг аҳил жамоаси «Оила йили»да аҳоли дастурхонига камида 15 минг тонна нон ва нон маҳсулотлари, 1 200 тонна макарон етказиб бериш йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

**Суратда: смена устаси Роза Айитмуродова, технолог Мирхан Утемуратова, цех мудири Сапарбой Асқаров ва «Миллий-нон» цехи устаси Қалжан Турамбетовалар.**

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.



***Мавжуда Шамсиева Самарқанд шаҳридаги 7-ўрта мактаб рус тили ва адабиётидан дарс бераётган муаллима. У ҳукуматимизнинг II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган.***

**Суратда: тажрибали устоз Мавжуда Шамсиева ўқувчи Ирода Мухторова билан.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

# ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ

Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг навбатдан ташқари V пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Республика савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси Клара Насриддиновна Комилова пенсияга чиққанлиги муносабати билан вазифасидан озод қилинди.

Шу вақтгача Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келган Муҳаббат Аъзамовна Ҳошимова пленумда Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари З.Қодиров қатнашди.

*Иқтисодий мерос сарчашмалари*

# «ЕНГЛАР, ИЧИНГЛАР, ҲАДЪЯ ҚИЛИНГЛАР, АММО ИСРОФ ҚИЛМАНГЛАР»

Маълумки, муққадас китоб Қуръони Каримдаги ғоялардан бири ҳалол меҳнат, хусусан деҳқон, чорвадор, ҳунармандлар меҳнати улуғланади, пешона тери билан ҳалоллик асосида ҳаёт кечиришга даъват этилади, барча бойликнинг асосида меҳнат ётиши уқтирилади. Шу билан бирга бу муқаддас китобда яъни олди-сотди муносабатлари, ҳозирги тил билан айтганда, бозор муносабатларига алоҳида эътибор қилинади. Аммо сўдхўрлик, яъни рибоъ (судхўрлик фоизи) ҳаром деб эълон қилинади. Масалан, Нисо сурасида (29-оят) «Молларингизни ўрталарингизга ноҳақ (яъни ўғрилик, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор каби) йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё қилингиз», дейилади. Мулк, мерос масалалари аниқ-лўнда ҳал қилинади, мулкнинг муқаддаслиги, бировнинг мулкига хиёнат (айниқса омонатга хиёнат) қораланади, ҳатто бирон одамнинг мол-мулкига ҳасад қилиш ҳам катта гуноҳ деб ҳисобланади.

Маълумки, кейинги даврда хусусий мулк, айниқса, ерга хусусий мулкчилик тўғрисида кўп гап юритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ерга хусусий мулкчилик инкор этилганига қарамасдан, бу масала яна қайта-қайта кўтарилаётир. Қуръонда бу масала очиқ-ойдин ҳал этилган, ердан унумли фойдаланиб олинган нарсалар инсонга тегишлидир. (Масалан, Моида сураси, 40-оят).

Исломда жамиятнинг тенгсизлиги тақдири азалдан деб тан олинади, аммо ҳалоллик ва тўғриликка буюрилади, ёлғон ишлатиш, ўғрилик, меҳнатсиз даромад топиш ман этилади. Бу хатога йўл қўйган учун қаттиқ жазо чоралари белгиланади. (Моида сураси, 38-оят), «Аммо ким бундай жабру-зулмидан кейин тавба қилиб, ўзини тузатса, албатта Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилур» (39-оят).

Аллоҳ Таолонинг Қуръони Каримда қарз олиш ва бериш, мерос, уни тақсимлаш (4-сура, 8-оят), етиммесирларга мурувват, хайрэҳсон қилиш (3-сура, 28-оят) ҳақидаги оят карималаридан келиб чиқадиган ғоялар ҳамда солиқ турлари ва миқдори ҳам катта аҳамият касб этади. Етиммесирлар ҳақига хиёнат қилиш энг катта гуноҳлардан деб эълон қилинган. Шунингдек, ўзаро ёрдам ҳам зарур, лекин ёмон ишларда ва душманликда эмас, дейилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Марказий Осиёда ислом ғоялари ҳар томонлама таҳлил этилди, ҳадислар шаклида тўпланди, ислом қонунчилиги (ҳидоя) ишлаб чиқилди. Бу борада ат-Термизий, ал-Бухорий, Марғилонийларнинг хизматлари катта бўлди. Донишманд алломаларимизнинг тадқиқотлари туфайли исломда турли касбларни эгаллаш (олтиндан ҳам афзал), айниқса деҳқончилик, қўйчилик билан шуғулланиш, меҳнат қилиш зарурлиги марҳамат қилинади. Ҳадиси шарифларнинг бирида шундай воқеа ҳикоя қилинади. Бозорда нарсаларнинг нархи кескин ортиб кетади. Шунда Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васалламга мурожаат этилиб, шу нарх навони туширишга фатво сўралади. Аммо пайғамбаримиз бу нарсага рад жавобини берадилар ва фақат нонга инсоф билан нарх қўйиш кераклиги уқтирилади, бошқа нарсаларга нархни эса бозор ҳал этади, деб жавоб қилинади, яъни ҳозирги давр тили билан айтганда бозордаги нарх-наво талаб ва таклиф асосида шаклланади, уни юқоридан маъмурий буйруқбозлик йўли билан тартибга солиш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги уқтирилади. Одатда бундай аралашиш нархларнинг янада ошувига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас-да.

Ислом ақидаларида айниқса, исрофгарчиликка қарши кураш аниқ белгилаб қўйилган. «Енглар, ичинглар, ҳадя қилинглар, аммо исроф қилманглар», деган ғоя ҳозирги кунда ва умуман иқтисодиётда ниҳоятда муҳимдир, чунки «Иқтисодиёт» асосида «иқтисодиёт» яъни, тежаб-тергаб сарфлаш ётади. Энг ривожланган мамлакатларда ҳам ана шу қоидага бекаму-кўст амал қилинади, чунки тежалгани нақд фойдадир. «Дарё бўйида таҳорат қилсаларингиз ҳам сувни исроф қилманглар» каби қоидалар ҳозирги замон иқтисодиёти ва экологияси учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу қоидаларга амал қилиш, турли маросимлардаги ортиқча сарф-харажатларни меъёрида олиб бориш шу куннинг долзарб масалалари ҳисобланади.

Бурхониддин Марғилоний (мелодий 1197 йили оламдан ўтган) томонидан яратилган 4 жилдлик «Ҳидоя» асарида ислом фикҳ (ҳуқуқи) қонунлари таҳлил этилиб, деярли барча ҳуқуқий муаммоларга жавоб берилади. Ўша даврда ва ҳозирги кунда барчани қизиқтирадиган нарса фойда миқдори бўлиб, унга аниқ жавоб берилади. Қуръонда (Бақара сураси, 275-оят) «Байъ» (олди-сотди) тўғрисида фикр юритилиб, уни ҳалол, судхўрликни эса ҳаромлиги таъкидланади. Ана шу фойда (яъни «байъ») миқдори 10 фоиздан ортиқ бўлмаслиги келтирилади.

Нақшбанднинг «Дил ба ёру, даст бакор» ғояси дилнинг доимо Аллоҳ билан, қўлнинг эса меҳнат бўлиши кераклиги ҳозирги куннинг энг зарурий чора-тадбири эканлигидан далолат беради.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ,
ТДИУ профессори.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Бўлиб ўтган сурункали ёғингарчилик, сел ва кўчки оқибатида Тожикистоннинг жанубий районлари катта зарар кўрди. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда бу зарар 12 миллион долларни ташкил этади. Кўп йиллик урушни бошидан кечирган мамлакат учун бу сезиларли, албатта. Шу боисдан ҳам республика Президенти И.Раҳмонов Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон ҳукуматларига ёрдам сўраб мурожаат қилган.**

***

Яқинда табиий офат туфайли катта зарар кўрган қардош Тожикистонга биринчи бўлиб Ўзбекистондан инсонпарварлик ёрдами етиб келди. Тўққиз вагонга жойлаштирилган озиқ-овқат, кийим- кечак, дори-дармон сел келиши оқибатида энг қаттиқ зарар кўрган Хатлон вилояти аҳолисига тарқатила бошланди. Расмий маълумотларга қараганда бу вилоятда мингдан ортиқ уй вайрон бўлган, офатдан эллик киши ҳалок бўлган.

***

**Қирғизистонга қилган ташрифининг сўнгги куни Тожикистон Президенти И.Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти А.Акаевлар «Ҳукумат уйида» матбуот конференциясини ўтказишган. Мухбирларнинг саволларига жавоб берар экан, А.Акаев яқинда Тожикистонда бўлиб ўтган қонли тўқнашувни бартараф этишда И.Раҳмонов тутган йўлга юқори баҳо берди. И.Раҳмонов эса, журналистларни воқеаларни объектив ёритишга чақирди.**

***

«Вечерний Бишкек» газетасида босилган мақолага кўра хавфсизлик ходимлари «Озод Шарқий Туркистон» номи остида мамлакат аҳолиси орасида ваҳобийликни тарғиб қилаётган йигирма кишилик гуруҳни қўлга олганлар. Гуруҳнинг раҳбари уйғур миллатига мансуб (асли хитойлик) фуқаро бўлиб, унинг уйи тинтув қилинганда бу ердан бир неча юз минг америка доллари, исломий адабиётлар ва ёзув тасмалари чиққан.

*Бозор тадбиркорликка ўргатади*

# АҲВОЛ ЎНГЛАНМОҚДА

Спирт ишлаб чиқарувчи кичик завод қурилиши профессор Ховренко номидаги очиқ турдаги акциядорлик жамиятига атиги 20 миллион сўмга тушди. Ҳолбуки, дастлабки пайтда жамиятнинг бу иншоотини барпо этиш учун 150 миллион сўм сарфлаш мўлжалланиб турилганди. Кейинги рақам винопазларни жуда ташвишга солиб турганди. Чунки бунча катта маблағни топишнинг ўзи бўлмасди. Бунинг устига ҳозирги қийин иқтисодий шароитда шунча пулни ишлаб чиқаришга сарфлаб, тез орада яна уни фойдаси билан бирга қайтариб олиш ҳам осон иш эмас.

МДҲ мамлакатлари ўртасидаги одатдаги иқтисодий алоқаларнинг узилганлиги ишлаб чиқарувчиларни қийин аҳволга солиб қўйди. Бу ҳолат самарқандлик виночиларни ҳам четлаб ўтмади. Акциядорлик жамияти ишлаб чиқарган маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш камайди, корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашди. Қийин аҳволдан чиқиш йўли излана бошланди ва топилгандай ҳам бўлди. Бу йўл экологик жиҳатдан тоза шифобахш, табиий гиёҳлар мевалар ва резаворлардан юқори сифатли ликёр-ароқ маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эди. Бундай маҳсулотни экспортга чиқариш ҳам осон эди. Аммо уни ишлаб чиқариш учун аъло сифатли спирт билан мунтазам равишда таъминланиб туриш керак. Спирт ишлаб чиқарадиган ўз заводини қуриш фикри ана ўшанда туғилганди. Лекин бунга 150 миллион сўм керак, дейишди. 150 миллион сўм-а! Бу бир неча йилга чўзиладиган бош оғриғи эди.

Шунда ишни бошқа бир томондан бошлашга тўғри келди. Собиқ кислота цехининг ярим хароба биносини таъмирлашга киришилди. Сўнгра дастлабки вино етиштириш заводларининг ускуналари ўша таъмирланган бинога кўчирилди, янгилари келтирилди. Қўли гул мутахассислар ва ишчилар роса терлаб ишлашди. Ниҳоят, ўзларининг спиртини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Унинг нархи чет элдан келтириладиган спиртникидан анча арзон эди.

Биз сўз юритаётган ушбу корхона бундан 125 йил аввал яхши сифатли винолари билан эл оғзига тушганди. Ҳар хил даражадаги кўргазмаларда энг яхши ишлаб чиқарувчиларнинг (винолари) билан мусобақада самарқандликларнинг маҳсулотлари ўнлаб олтин, кумуш ва бронза мукофотлари совриндори бўлди. «Алеатико»,»Ширин», «Гулякандоз» ва бошқа беқиёс виноларнинг номлари бу кўхна ичкилик ишлаб чиқариш тармоғининг барча маълумотномаларию қўлланмаларида абадий муҳрланиб қолган. Лекин бугунги кундаги вино етиштирувчи мутахассис ва ишчилар ҳам ўша шонли анъаналарни давом эттиришлари ҳамда бу соҳага ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Бизнинг мамлакатимиз резаворлар, мевалар ва шифобахш гиёҳларнинг бой ресурсига эга. Бундан ўн йилдан кўпроқ аввал Германиядаги Лейпциг шаҳрида ўтказилган халқаро кўрикда «Самарқанд малҳами» бутун дунёдан келтирилган шу хилдаги маҳсулотлар ичида энг олий мукофот - олтин медалга сазовор бўлганди. Унинг таркибига ажойиб самара берувчи қирққа яқин турли-туман қўшилмалар қўшилган эди. Дадил айтиш мумкинки, Самарқанд малҳами бугунги кунда бетиним реклама қилинаётган «Биттнер» малҳамидан сира қолишмайди. Афсуски, биз ташвиқот ва тарғибот ишларини ҳали яхши ўргана олмадик. Ўзимиз етиштирган ва ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни барчага кўрсатиб ва етказиб беришни ҳамон эплай олмаяпмиз. Акс ҳолда Самарқанд малҳами ва винолари аллақачон жаҳон бозорининг энг кўп харид қилинадиган маҳсулотларидан бирига айланиб қолган бўлар эди.

Ховренко номидаги Самарқанд акциядорлик жамияти бугунги кунда вилоятнинг иқтисоди юксалиб бораётган корхоналаридан бири. У яқин келажакда иқтисоди бақувват корхонага айланишига шубҳа йўқ. Ҳозирги пайтда бу ерда ишлаётганларнинг ойлик ва йиллик даромадлари ўсиб бораётганлиги кўзга яққол ташланмоқда. Бу корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси ташкилотининг жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга жиддий эътибор бераётганлиги самарасидир.

Р.БОБОМУРОТОВ.

